# Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў

ISSN 2181-7138

№ 6/2 - 2022 жыл

*Илимий-методикалық журнал*

**Редактор:**
***А. Тилегенов***

**Редколлегия ағзалары:**
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Тўлқин АЛЛАЁРОВ
Умида БАХАДИРОВА
Фархад БАБАШЕВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Бахтиёр РАХИМОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Барлықбай ПРЕНОВ
Қаххор ТУРСУНОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Саодат ТОШТЕМИРОВА
Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ
Ризамат ШОДИЕВ
Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестириўшилер:**
***Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги, ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы***

**Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының 25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды №01-044-санлы гуўалық берилген.**
**Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54**
**Тел.: 224-23-00**
**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz, mugallim-pednauk@umail.uz**
**www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

*Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.*

# МАЗМУНЫ

## ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ


**Umarov I.A.** “Малика айёр” достони лексикасида туркий қатламнинг қўлланиши ............... 4
**Шодиева Ш.И.** Оламнинг лисоний манзараси ҳақида қарашлар ............... 9
**Haydarova Z.** Satira nazariyasi haqida mulohazalar ............... 14
**Mamaraximova N.** Ijodiy tafakkurda nutqning ahamiyati ............... 16
**Ergashev A.** Xurshid Do‘smuhammadning ramzga asoslangan hikoyalarini o‘qitish metodlari ............... 21


## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ


**Yalubjanova D.,Maxmudov F.** Diagnostikasi va reabilitatsiya qilishda eshitishida nuqsoni bo’lgan bola va ularning ota – onalari bilan bog’liq muammolar ............... 25
**Musurmonov R., Musurmonova M.** Yangi o‘zbekiston sharoitida ta’lim muassasasi rahbarining innovatsion faoliyati xususiyatlari ............... 29
**Мусурмонов Р., Султонова Д.** Замонавий таълим муассасаси раҳбарининг инновацион фаолияти хусусиятлари ............... 33
**Мусурмонов Р., Суяров А.** Таълим муассасалари раҳбарларининг маънавий қиёфаси, маданияти ва унга қўйилган талаблар хусусида ............... 37
**Мусурмонов Р., Хакимова И.** Ёшларнинг шарқона имиджи ва муомала одобини шакллантириш хусусида ............... 43
**Турсунбаева Ю. Р.** Олий таълим сифатини таъминлаш ва самарадорлигини оширишнинг замонавий имкониятлари ............... 47
**Расулов А. Н., Хуррамов К.М.** Таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишнинг ташкилий шароитлари ............... 50
**Эватов С.** Коммуникатив компетентлик тушунчасининг мазмун-моҳияти ва илмий-педагогик асослари ............... 55
**Азамов Ж.** Олий таълим муассасалари бошқарувига Осиёча субстансиал ва процессуал автономия тамойилларини жорий этиш самарадорлиги ............... 59
**Ziyayev A.** Seminar mashg`ulotlarini interfaol nashkil etishning afzallik jihatlari ............... 63
**Arifxodjayev G., Yuldasheva O.** Dizartiya nutq nuqsoni bo‘lgan bolalarda idrok shakllanishining o‘ziga xosligi ............... 66
**To`raqulov L.** Oilaviy bolalar uylari tarbiyalanuvchilarining ijtimoiylashuvi ............... 70
**Тошболтаев Ф.** Бўлажак ўқитувчиларни методик тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг хусусиятлари ............... 75
**Akramova X., Safarov M.** Yordamchi maktabda ta’lim jarayonini rivojlantirishni o`ziga xosligi ............... 79
**Nazarqosimov Q., Qarshiboyev A.** Ko’rishida nuqsoni bo’lgan bolalarda tarbiyaviy ishlarni olib borishda didaktik materiallarni qo’llanilish bo`yicha mashg’ulotlarning ahamiyati ............... 83
**Мустафақулова Д.** Таълимда тизимли ёндашув ............... 86
**Mixliboyev F.** Nutqning normal va nuqsonli rivojlanishida nutq va kognitiv funksiyalarning o’zaro bog’liqligi ............... 91

**Qaxxarova N .N.** Bolalarda mantiqiy fikrlashni shakllantirishning tarixiy falsafiy asoslari ... 94
**Abdullayeva G. R. Adekvatlik tushunchasining psixologik tahlili** ... 98

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

**Rasulova D.** O’qituvchi va o’quvchi munosabatlarining axloqiy mezonlari ... 104
**Qilichova M.** Yoshlar siyosiy qiyofasi to‘g‘risidagi qarashlarning zamonaviy jamiyatdagi ahamiyati ... 106
**Абдурасулова Д.** Ёшлар ўртасида соглом турмуш тарзининг амалда тадбиқ этилиши (Жиззах шаҳри мисолида) ... 112
**Nazarqosimov Q.,Berdiyorov X.** Maktabgacha yoshdagi bolalar nutqini o’stirishda va korreksiyalashda logopedik yondoshuvlar ... 115
**Raimjonov S.** Yakka tartibdagi darslarda o’quvchilarning ijrochilik mahoratini rivojlantirish ... 117
**Xolmirzayev O.** O‘zbek xalq cholg‘usi chang tarixidan ... 121
**Abdukarimova E.** O‘zbekistonda mumtoz musiqa san’atida bastakorlik ijodining tutgan o‘rni va uning tadrijiy rivojlanishi ... 124

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

**Tayirova M.** Ta’lim jarayonlarida samarali tashkil qilishda ta’lim vositalari va multimedia texnologiyasidan foydalanishning dolzarbligi ... 130
**Назарова Г.** Бўлажак иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик мазмуни ... 135

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

**Akramova X.,Abatbayeva A.** Maktabgacha yoshdagi aqli zaif bolalar o‘yin faoliyatida nutqiy muloqotning faolligini oshirish xususiyatlari ... 138
**Arifxodjayev G.,Muminova Z.** Boshlang’ich sinflarda disleksiyasi bo’lgan o’quvchilarning o’qish malakalarini korreksiyalash ... 141
**Xudoyqulov J.** Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida ijodkorlik ko‘nikmalarini rivojlantirish ... 145
**Абдуллаева Н.** Мактабгача таълим ташкилотлари ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигини кластери ёндашув асосида ривожлантириш ... 149
**Сафаров Б.** Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларда педагогик касбий компетентлик ва унга хос сифатлар ... 153

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

**Пармонов А.** Жисмоний тарбия ўқитувчиларида акмеологик мотивацияни ривожлантириш модели ... 157
**Абдуллаев О.** Ўқувчилар руҳиятидаги салбий ўзгаришлар ва уни жисмоний таълимда бартараф этиш вазифалари ... 161
**Nurmatov F.A.** Milliy harakatli o‘yinlar va uning rivojlanishi ... 165
**Каримов У.Р.** Решение некоторых ошибок и недостатков в физическом воспитании и в спорте вузов и всех образовательных учреждениях ... 168

3. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси.- Т.: Ўзбекистон, 1999,29 б.
4. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя.
5. Каримов И.И. Ўқитувчи, устоз, мураббий...: Талабалар ва ёш ўқитувчилар учун. Рисола. - Қўқон ДПИ, 2009, 99 б. 29.
6. www.ziyouz.com kutubxonasi

РЕЗЮМЕ

Мақолада Шарқона тарбиянинг муҳим жиҳати бўлган инсонлараро ўзаро мулоқот маданияти ва унга эришиш йўл-йўриқлари тўғрисида фикр юритилиб, тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается культура межличностного общения, являющаяся важным аспектом Восточного образования, и ориентиры ее достижения, даются рекомендации.

SUMMARY

The article discusses the culture of interpersonal communication, which is an important aspect of Eastern education, and guidelines for its achievement, recommendations are given.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

***Турсунбаева Ю.Р.***

*педагогика факултети "мактаб менежменти" кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари, таълим сифатини баҳолаш, миллий баҳоловчи тизимлар, таълим сифати менежменти.

**Ключевые слова:** принципы членства и преемственности, оценка качества образования, национальные системы оценивания, управление качеством образования.

**Key words:** principles of membership and continuity, assessment of the quality of education, national assessment systems, quality management of education.

Жамиятда таълим мазмуни, олий таълим сифатини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш деганда, эгалланиши талаб этиладиган илмий билимлар, амалий кўникма ва малакалар, шунингдек, дунёқарашни шакллантиришга қаратилган таълимий ғоялар тизими тушунилиб, унинг таркиб топишига қуйидаги омиллар: таълим сифати, замонавийлиги ҳамда оммавийлигини таъминлашга қаратилган эҳтиёжлар; соҳа олимларининг замонавий методологик қарашлари; илмий-техник тараққиёт (замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари ҳамда тизимлари) ўз таъсирини кўрсатади. Мамлакат таълим тизимида сифатни доимий кўтариб бориш барча ривожланган мамлакатларнинг таълим жараёнини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган тажрибаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда ўзимизга хос ва мос бўлган йўналишларни такомиллаштириб боришимиз керак. Жумладан, барча таълим муассасаларининг ўқитувчиларини танлаб олиш орқали (саводхонлик даражаси, чет тилларни билиши, мамлакатимизнинг бой тарихини мукаммал билиши, мутахассислик билим даражаси эътиборга олиниши лозим) босқичма-босқич ривожланган мамлакатларга тажриба ўрганиш учун малака оширишга юборишни йўлга қўйиш ҳам яхши самара беради. Шуниндек, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда ўз йўналишлари бўйича тажрибага эга бўлган, аниқ мутахассислик бўйича мукаммал назарий ва амалий билим ҳамда кўникмага эга бўлган ходимларни бирлаштириш, келишилган ҳолда фаолият олиб бориш сифатни таъминлашнинг бир омили бўла олади. Таълимнинг сифатини янада кўтариш учун ўқув режадаги фанлар кетма-кетлигини, яъни фанларни ўқитишда ўзвийликни таъминлаш лозим. Шунингдек,

тайёрланаётган бакалаврлар билимининг сифат даражасини кўтариш учун дарс бераётган профессор-ўқитувчиларнинг мутахассислик фанлари бўйича назарий билимларини ҳам доимий ривожлантириб бориши олиш лозим.

Бугунги кунда таълим сифатини оширишда илғор технологиялар ҳамда таълим воситаларидан унумли фойдаланиш билан боглиқ қатор муаммолар мавжуд. Ахборотлашган жамият таълим сифатини амалга оширишда ўқув фаолиятининг бошқарувини амалга ошириш имкониятини берувчи янги шарт-шароитларни юзага келтириб чиқармоқда. Ўқитиш жараёни ўқитувчи ва таълим олувчининг ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари асосида қурилади, буни такомиллаштириш учун замонавий педагогик ҳамда ахборот технологияларини мукаммал даражада эгаллаш талаб этилади.

ОТМда таълим сифатини таъминлашда ўқув-меърий ҳужжатлар (давлат таълим стандарти, малака талаблар, ўқув режа, ўқув жараёни жадвали, фан дастурлари, дарс жадвалининг тўғри шакллантирилганлиги) асосида ўқув жараёнининг тўғри ташкил этилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

ОТМда таълим сифатини таъминлаш фақатгина моддий техник база ёки ўқув меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлигига эмас, балки ўқув машғулотларини олиб борувчи педагог ходимларнинг илмий-методик салоҳияти, хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини мукаммал эгаллаганлиги ва ундан машғулотларда самарали фойдаланиш олиш компетенцияларига эга бўлишига боглиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил

2 февралдаги 21-сон "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида" қарори қабул қилинган кунига қадар Ўзбекистон Республикасидаги барча олий таълим муассасалари аккредитацияланган ҳисобланган.

2006-2017 йилларда Олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан 5 йилда бир марта аттестация ўтказиш орқали Давлат тест маркази томонидан амалга оширилган.

2017 йил 20 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

№ ПҚ-2909 сонли қарорида таълим ва ўқитиш сифати устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этиш белгиланган бўлиб, унга асосан 2017 йил 18 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 515-сонли қарори асосида Давлат инспекцияси ўз фаолиятини бошлади.

Давлат инспекциясининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

таълим сифатини назорат қилиш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш;

таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш, педагог кадрларга малака тоифаларини бериш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, таълим ташкилотларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш талабалар ва тингловчилар билимларининг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари, давлат талаблари ва малака талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш Илғор хорижий тажриба асосида янги аккредитация тизими ишлаб чиқилди ва 2019 йил 7 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотла-

рини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» ги №470 сонли қарори қабул қилинди.

Таълим сифатини баҳолаш (аттестация)-таълим ташкилотининг фаолиятини баҳолашда давлат назоратининг асосий шакли ҳисобланади ва таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат. Таълим сифатини баҳолашнинг асосий принциплари қуйидагилар ҳисобланади:

Мустақиллик;

Холислик;

Ошкоралик;

Шаффофлик;

Одиллик;

Даврийлик;

Аккредитация-таълим ташкилотлари фаолиятининг давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари мезон ва талабларига мувофиқлигининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда уларнинг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни топшириш ҳуқуқини беришдан иборат.

Янги ташкил этилган олий таълим муассасалари улар ташкил этилган пайтдан бошлаб 5 йил муддатга аккредитациядан ўтган деб ҳисобланади.

Тиббиёт олий таълим муассасалари ташкил этилган пайтдан бошлаб 6 йил муддатга аккредитациядан ўтган деб хисобланади. Таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Ҳар бир олий таълим муассасасида сифат тизимини ишлаб чиқувчилар ўз фаолиятида турли жихатларга таянади. Масалан, баъзилар таълим жараёнининг бош таркибий кисми сифатида кафедраларни тан олади ва шунга мос холда кафедранинг олий таълим муассасаси бўлинмалари ичидаги ўзаро алокаларини ўрганиш оркали кафедра рейтингини киритиш билан унинг иш фаолиятини такомиллаштириш ҳаракатида бўлади. Бошқалар эса ходимларни сифат менежменти соҳасида ўқитиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиш кераклигини тасдиқлайди.

Бу вазифа иккита механизм: олий таълим муассасасида ёш мутахассисларни тайёрлаш ҳамда махсус дастурлар доирасида раҳбар-мутахассисларни қўшимча тайёрлаш воситасида ҳал қилинади. Олий таълим муассасаси сифат менежменти тизимини яратишнинг қуйидаги мақсадларини шакллантириш лозим:

мутахассисларни тайёрлаш сифатининг иш берувчилар талабларига мос даражасига эришиш (олий таълим муассасаси битирувчиларига талаб мавжудлиги нуқтаи назаридан сифатнинг талаб қилинадиган даражаси ва битирувчиларнинг айни вактда ракобатбардошлиги); иш берувчиларнинг потенциал талабларига мос мутахассислар тайёрлаш сифатининг тезкор даражасига эришиш (олий таълим муассасасининг узоқ вақт фаолият юритиши ва рақобатбардошлигини таъминловчи сифатнинг истиқбол даражаси).

Олий таълим муассасасида таълим жараёнини бошқариш сифати компонентлари олий таълим муассасасига ўқишга кираётган абитуриентлар ва талабалар сифати; таълим дастурлари сифати; илмий-педагогик кадрлар сифати; ўқув жараёни, педагогик фаолият сифати; моддий-техник база сифати; ахборот-коммуникация муҳити сифати; илмий тадқиқот ишлари сифати; таълим жараёнини бошқариш сифати; рахбариятнинг инновацион фаоллиги; инновацион жараёнларнинг татбик

қилиниши; битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги билан боғлиқ сифат кўрсаткичларини комплекс ўрганиш асосида такомиллаштирилган. Шунингдек, таълим сифатини баҳолаш таълим муассасаларида олиб борилаётган педагогик фаолиятнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва битирувчиларнинг буюртмачи – жисмоний ёки юридик шахс манфаатлари (эҳтиёжлари)га мослигини назорат қилиш билан боғлиқ ишлар ҳамда олий таълим муассасасида таълим жараёни самарадорлиги мониторингини аниқлашда таълим сифати ички ва ташқи тизимлар орқали ташкил қилиниши келтирилган.

Ҳозирда таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш эпизодик ҳолат касб этиб, кўпроқ таълим муассасасини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш ҳамда унга тайёргарлик жараёни билан боғланган. Ваҳоланки, ҳар бир олий таълим муассасаси ўз фаолиятини доимий таҳлил қилиш, илмий салоҳият ва профессор-ўқитувчилар малакасини мунтазам ошириш, фаолиятдаги мавжуд камчиликларни аниқлаш, уларни тезкорлик билан бартараф қилишдан манфаатдор бўлиши лозим.

Санаб ўтилган омилларнинг барчаси битирувчиларнинг рақбатбардошлиги, олий таълим муассасаси нуфузининг ошиши, энг муҳими, мамлакатимиз олий таълим тизимининг халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “таълим тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора- тадбирлари тўғрисида. ЎР ҚҲТ, 2017 й., 30-сон, 729-модда.

3. Майоров А.Н. Мониторинг в образовании. – М.: Интеллект-Центр, 2005 – 424 с.

4. Бекмуродов А.И. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга жорий этишда давлат таълим стандартларини такомиллаштиришнинг дидактик асослари. Пед.фан. номзоди дис. – Тошкент, 2002. – 126 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада олий таълим муассасаларида таълим сифати мониторингини такомиллаштириш, таълим сифатини оширишга қаратилган чора тадбирлар юзасидан фикрлар юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются меры, направленные на совершенствование мониторинга качества образования в высших учебных заведениях и повышение качества образования.

SUMMARY

The article discusses measures aimed at improving the monitoring of the quality of education in higher education institutions and improving the quality of education.

# ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ШАРОИТИДА “ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАРОИТЛАРИ

***Расулов А. Н.***

*Чирчик давлат педагогика институти*

*“Мактаб менежменти” кафедраси катта ўқитувчиси*

***Хуррамов К.М.***

*Чирчик давлат педагогика институти*

*“Мактаб менежменти” кафедраси катта ўқитувчиси*

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

# «МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 6/2

Нөкис — 2022


Басып шығыўға жуўапкер:
*А. Тилегенов*

Баспаға таярлаған:
*А. Тилегенов, Н. Абдукаримов*

Оригинал-макеттен басыўга рухсат етилди 9.12.2022. Форматы 60х84$^{1}/_{16}$
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шәртли б.т.  Нашр. т.  Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51